БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 151 (382)

31 ИЮЛЬ ЯКШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Бугун Бутуниттифоқ темирйўлчилар Куни.

Мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган совет темирйўлчиларига шон-шарафлар бўлсин!

БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

Бугун шонли темирйўлчиларнинг традицион байрами. Темирйўл магистралининг кўпмингли армияси, бутун совет халқи бу традицион байрамни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг июль Пленуми томонидан қўйилган ғоят катта вазифаларни амалга ошириш учун бошланган умумхалқ ҳаракати тобора кенг қулоч ёйиб бораётган бир вазиятда кутиб олмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доно сиёсати натижасида мамлакатимиз иқтисодий қудрати тобора ошмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Бутун халқ хўжалиги асосларининг асоси — оғир индустрия тинмай ривожланмоқда. Совет халқи улуғ мақсад йўлида — коммунистик жамият қурилишида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқда. Социалистик саноатимиз ялпи маҳсулот ишлабчиқариш бешйиллик планини муддатидан илгари — тўрт йилу, тўрт ойда бажарди.

Ма'лумки, мамлакатнинг иқтисодий районларини бир-бирига боғловчи, шаҳар блан қишлоқ ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамловчи темир йўл транспортини ривожлантирмасдан туриб, оғир индустрияни, енгил саноатни, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириб бўлмайди. Шу сабабли партия ва ҳукумат темир йўл транспортини янада юқори босқичга кўтариш мақсадида уни янги техника блан тобора кўпроқ та'минламоқда. Партия ва ҳукуматнинг бу ғамхўрликларига жавобан зўр ғайрат ва ижодий ташаббус кўрсатиб ишлаётган мамлакатимиз темирйўлчилари, шу жумладан темир йўл магистрали Тошкент бўлимининг ходимлари давлат планларини муддатидан илгари бажаришда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Бўлимнинг кўпгина участкаларида ишлабчиқаришга янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш натижасида юк ташиш ҳажми тобора ошмоқда. Бўлимга қарашли 33 юк станциясидан 15 станция коллективи кўпдан белгиланганидан ортиқ юк ортилган поездларни бошқариш вагонларга юкларни ихчам жойлаштириш, юк ортиш ва юк туширишда процессларини комплекс механизациялаш натижасида бешинчи бешйиллик топшириғини ҳозирнинг ўзидаёқ бажариб қўйди.

Илғор машинистлардан Немудров, Мирбобоева, Нурмуҳамедов ва бошқа ўртоқлар бўлимда оғир юкчилар ҳаракатини ташаббускорларидир. Кўпгина машинистлар бу ҳаракатга қўшилиб, пландан ташқари халқ хўжалиги учун кўплаб юк ташимоқдалар. Биргина шу йилнинг ўтган вақти ичида Тошкент ва Урсатьевск паравозчи ва тепловозчилари оғир юкли поездларда пландан ташқари 3 миллион тоннага яқин юк ташиб бердилар.

Темир йўл бўлимининг торозибонлари Чирчиқ станциясининг новатор-торозибони ўртоқ Баймурадовнинг вагонларга юкларни зичлаштириб жойлаш методини кенг қўлланиб, составларга нормадагидан ортиқ турли хил асбоб-ускуналар, машиналар ва бошқа хил юкларни ортмоқдалар. Ана шу метод асосида ишлаш натижасида шу йилнинг ўтган вақти ичида Тошкент ва Урсатьевск бўлимда 3 мингга яқин вагон бўшатиб берилди.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми томонидан социалистик саноат ва қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган ғоят катта вазифалар темир йўл транспорти олдига ҳам янги, оширилган талабларни қўймоқда. Чунки, Пленум қарорларини муваффақият блан бажарилишида темир йўл транспорти муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли ишлабчиқаришга янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, техникани янада тараққий этдириш, ишлабчиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, бўлим ишларини бошқаришни ҳозирги талаблар даражасига кўтариш талаб қилинади.

Броқ шуни э'тироф қилиш керакки, қўлга киритилган айрим ютуқларга қарамай Тошкент ва Урсатьевск бўлимларидаги иш ҳозирги куннинг юксак талабларига тўла жавоб бермайди. Аввало шуни айтиш керакки, ба'зи станция ва участкаларда юк ортиш ва юк туширишда процессларини комплекс механизациялашга етарли э'тибор берилмаётир. Натижада составлар станцияларда белгиланганидан ортиқ туриб қолмоқдалар. Айрим партия, касаба союз ва хўжалик раҳбарлари ишнинг якунларини ўртача рақамларга қараб баҳоламоқдалар, қўлга киритилган дастлабки ютуқлар блан қифояланиб, хотиржамлик кайфиятига берилмоқдалар. Бунга Оҳангарон станцияси раҳбарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тўғри, станция коллективининг ташаббуси блан давлат планлари ой сайин бажарилиб келинмоқда. Броқ меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва станция иқтисодий кўрсаткичини бундан ҳам яхшилаш имкониятини беручи мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир.

Маҳаллий партия, совет ва касаба союз ташкилотлари совет кишиларига бутунлай ёт бўлган мағрурланиш, хотиржамлик кайфиятига берилиш каби ярамас ҳолларга қарши қат'ий кураш олиб боришлари керак. Илғор иш усулларини оммалаштириш, коллективнинг ижодий ташаббусини қўллаб-қувватлаш асосида темир йўл транспортини ҳартарафлама пухта ва аниқ ишлашига эришиш лозим. Темир йўл транспортида техника даражасини ошириш, иш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, эски машиналарни модернизациялаш ҳамда янгилари блан алмаштириш зарур. Темир йўл транспортида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида э'тибор бермоқ керак. Чунки, бу соҳа аниқ ва равшан ишлашни талаб қилади. Партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларни ҳар томонлама кучайтиришлари, коллектив ўртасида давлат ва меҳнат интизомини кун сайин, соат сайин мустаҳкамлашлари керак.

Ҳозир ғалла ўрмининг авжи қизғин пайти. Олтин куз яқинлашиб келмоқда. Ҳадемай пахта йиғим-терими бошланади. Областимиз меҳнаткашлари зўр меҳнат блан етиштирган ғалла ва пахта ҳосилини, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сра нобуд қилмай, йиғиб-теріб олиш ва давлатга топширишда, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини саноат молларі блан та'минлашда темирйўл транспорт ходимлари зиммасига ҳам янги қўшимча вазифалар юкланади.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми партия ва хўжалик раҳбарлари олдига хўжалик активларі йиғилишларини, шунингдек ишлабчиқариш кенгашларини тез-тез ўтказиб туриш, уларда ишлабчиқаришнинг конкрет масалаларини, даставвал янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, илғор иш усулларини ўрганиш ва уларни чидам ва сабот блан коллектив ўртасида оммалаштириш вазифасини қўйди. Темир йўл транспорти партия ташкилотлари Пленумнинг бу кўрсатмаларига қат'ий риоя қилишлари, коллективнинг ижодий ташаббусига, новаторлик, рационализаторлик ҳаракатига бошчилик қилишлари лозим. Социалистик мусобақага раҳбарлик қилишдаги расмиятчилик ва юзакичиликка бутунлай хотима бериш зарур. Социалистик мусобақани ишлабчиқариш илғорлари ва новаторларнинг бой тажрибаларини кенг жорий қилишга ва шу асосда янгидан-янги ютуқларга эришишга хизмат қилсин.

Совет темирйўлчилари ўзларининг традицион байрамларини Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига ҳарқачонгидан ҳам маҳкам жипслашган бир вазиятда кенг нишонламоқдалар. Совет халқи бугун шонли темирйўлчиларимизга мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришишларини чин қалбдан истайдилар. Ҳеч шубҳа йўқки, темирйўл магистралининг кўпмингли армияси бундан кейин ҳам она-Ватанимизнинг иқтисодий қудратини янада ошириш йўлида ўзларининг бутун куч ва ғайратларини аямайдилар.

Совет темирйўлчиларига шон-шарафлар бўлсин!

ТЕЛЕГРАММА

Австрия Республикасининг Президенти Теодор Кернер жанобларига

ВЕНА.

Мустақил ва демократик Австрияни қайта тиклаш тўғрисидаги Давлат Шартномаси кучга кирганлиги муносабати блан Сиз Президент жанобларидан СССР Олий Совети Президиумининг ва шахсан менинг самимий табрикларимни, шунингдек Австрия халқига энг яхши истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Мустақил ва тинч тараққиёт йўлига кирган Австрия Республикаси халқига бахтиёрлик тилаб, унинг яйраб-яшнашини тилаб билдирган энг яхши истакларимизни қабул қилгайсиз.

К. ВОРОШИЛОВ.

1955 йил 28 июль.

ТЕЛЕГРАММА

Австрия Республикасининг федерал канцлери Юлиус Рааб жанобларига

ВЕНА.

Мустақил ва демократик Австрияни қайта тиклаш тўғрисидаги Давлат Шартномаси кучга кирганлиги муносабати блан Сиз Канцлер жанобларидан Совет Ҳукумати номидан ва шахсан менинг ўзимдан Австрия Республикаси халқига энг самимий саломларимизни ва унинг яйраб-яшнашини тилаб билдирган истакларимизни қабул қилишингизни сўрайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар Европада мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи ва Австрия халқларининг бахти-саодати учун мустаҳкамланади ва ривожланади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Н. БУЛГАНИН.

1955 йил 28 июль.

ТЕЛЕГРАММА

Австрия Республикаси ташқи ишлар Министри Леопольд Фигль жанобларига

ВЕНА.

Мустақил ва демократик Австрияни қайта тиклаш тўғрисидаги Давлат Шартномаси кучга кирганлиги муносабати блан, министр жанублари, менинг табрикларимни ва Австрия халқига энг яхши истакларимни қабул қилгайсиз.

Австрия танлаб олган доимий бетарафлик йўли Австрия халқининг тинч ривожланиш эҳсонларидан баҳраманд бўлишини та'минлайди ҳамда тинчликни ва Европа халқларининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади деб қат'ий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

В. М. МОЛОТОВ.

1955 йил 28 июль.

Ўртоқ Н. А. БУЛГАНИН Сурия парламенти делегациясини қабул қилди

29 июльда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин СССР Олий Советининг таклифи блан Москвага келган Сурия парламенти делегациясини қабул қилди.

Қабул маросимида делегация бошлиғи — Сурия парламенти депутатлар палатасининг раис ўринбосари Рафиқ Башшур, делегация а'золари, парламент депутатлари Али Бузо, Абделваҳоб Хомад, Абделлатиф Юнус, Хоил Сурур, Дикран Жиражян, Фарзат Мамлюк, Ғолиб Анши, Ратиф Ҳусамий, Ҳусайн Мревид, Мустафо Зарка, Холид Бағдаш, Халил Калляс, Абделхалим Қаддур, Абдулмажид Рустам, Аҳмад Исмоил, Файсал Рукбий, Абдеррозоқ Наиф, Акеп Маршо ва делегация секретари Жорж Абу Жамра ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Сурияннинг СССРдаги фавқулодда Вакили ва Мухтор Министри Фарид Ханий ҳозир бўлди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов қатнашди.

Сурия парламенти делегациясининг бошлиғи Рафиқ Башшур Н. А. Булганинга суҳбат учун ва делегация Совет Иттифоқида самимий қабул қилиб олинганлиги учун қизғин ташаккур билдирди.

Н. А. Булганин делегация а'золаридан Сурия халқига, парламентига ва Сурия ҳукумати бошлиғига салом айтишни илтимос қилди. (ТАСС).

Қурилиш ишларига катта э'тибор берилсин

Тошкент шаҳар Советининг сессияси

Шу йил 29 июльда Тошкент шаҳар Советининг навбатдаги тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия шаҳар ижроқоми раисининг ўринбосари депутат Л. Федотовнинг «Тошкент шаҳрида уй-жой ва маданий-маиший қурилишларнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги докладини муҳокама қилди.

— Партия ва ҳукуматимизнинг катта ғамхўрликлари туфайли, — деди докладчи, — социалистик саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимиз ривожланиб, халқимиз турмуш даражаси тобора яхшиланмоқда. Тошкент шаҳрида йилдан-йилга янги-янги катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шу йилнинг ўзида шаҳарда ўтган йилдагига қараганда икки марта кўп, я'ни 80 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилади. Ҳозир шаҳарда бешта мактаб, ўнбитта болалар боғчаси, 8 та ясли, 100 ўринли туғуриқхона, кология касалхонаси, телевизия станцияси; 50 минг киши сиғадиган «Пахтакор» стадиони, 300 номерли меҳмонхона қурилмоқда. Булардан ташқари, 293 уй-жой ва кўпгина маданий-маиший бинолар қурилмоқда.

— Шунга қарамай, — деди докладчи, айрим ташкилотлар уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ишига ўтакетган даражада бепарволик блан қараб, қурилиш ишлари сур'атини тезлаштирмаётирлар. «Под'ёмник» заводи (директори ўртоқ Солиқов), «Узбекэнерго» (бошлиғи ўртоқ Жеребцов), 1-нчи ва 2-нчи пойафзал фабрикалари (директорлари Каримжонов, Нурмуҳамедов ўртоқлар) ҳанузгача уй-жой қурилиши ишини бошлаб юбормаганлар, Тошкент нефть базаси, «Средазгидроэнергострой», «Главэкскаватор», «Средазэлектромонтаж» каби ташкилотлар эса уй-жой қурилиши учун ажратилган маблағдан қониқарсиз фойдаланмоқдалар.

Қурилиш доимий комиссиясининг раиси, депутат П. Харитонов сўзга чиқиб, шаҳар совети ва айрим район ижроия комитетлари айниқса шаҳар қурилиш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ В. Скребнев) уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ишига ёмон раҳбарлик қилаётганликларини фактлар блан кўрсатиб тўғри танқид қилди. Қурилаётган об'ектлар проекти жуда секинлик блан тузилмоқда. Шаҳар проект бўлими шу куннинг талаби даражасида ишламаётир.

— Шелковичная кўчасида қурилаётган 18 квартирали бинонинг қурилиши ўринсиз баҳоналар блан тўхтатиб қўйилди, — деди депутат З. Туренко ўз сўзида. — Кутузов кўчасида қурилган 18 квартирали бино эса тўла қурилиб битказилмасдан туриб фойдаланишга топширилган.

Депутатлардан Содиқов, Тереньтев ўртоқлар шаҳар ва район ижроия комитетлари якка тартибда уй-жой қуручиларга ер участкаларини ўз вақтида беришга бюрократларча қараётганини айтдилар. Депутат Костюшко 32-нчи қурилиш трести қурилиш ишларига ажратилган маблағларни йилдан-йилга тўла фойдаланмаётганини кўрсатиб ўтди. Шаҳар ижроия комитети болалар муассасалари учун ажратилган бинолардан тўғри фойдаланишга етарли э'тибор бермаётир.

Депутатлардан Шукуров, Асадов ва Скребнев ҳам сўзга чиқдилар. Ўртоқ Скребневнинг сўзидан депутатлар тўла қаноатланмадилар. У, шаҳарда уй-жой қурилишидаги, қурилиш бўлими ишидаги камчиликларни ва бу тўғридаги ҳақли танқидларни тан олиш ўрнига, қуруқ ва'зхонлик қилди, ҳатто ишимизда камчилик йўқ, бирмунча ютуқлар бор дейишгача бориб етди. Депутатлар ўртоқ Скребневнинг сўзидан қаноатланмадилар.

Сессия муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пландан ташқари маҳсулот

Узпромсоветга қарашли «Ташхимпром» артели болалар учун кийим-кечаклар ва хилма-хил ўйинчоқлар ишлаб чиқариш планини системали равишда ортиғи блан бажариб келмоқда. Ярим йил давомида артель коллективининг ғайрати натижасида пландан ташқари 514 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу давр мобайнида меҳнат унумдорлиги 9,6 процент ошди, маҳсулот сифати анча яхшиланди, унинг таннархи эса 6,1 процент камайтирилди.

Цехлараро мусобақада М. Саидбоев бошчилигидаги резина маҳсулотлари ишлабчиқариш цехи олдинда бормоқда. Цехда меҳнатни яхши уюштириш, мавжуд механизмлар ва иш вақтидан унумли фойдаланиш орқасида ярим йиллик топшириқ 121,7 процент қилиб бажарилди. Ўртоқ Радзинский бошчилигидаги ўйинчоқ цехи ишчилари ҳам улардан орқада қолмаётир. Михайлова, Рахматуллина, Умурзоқов ва Бурхонов ўртоқлар сингари ишлабчиқариш илғорлари кундалик топшириқни мунтазам равишда ошириб бажариш блан бирга, нуқул а'ло сифатли маҳсулот ишлаш, ёшларга илғор иш тажрибаларини ўргатиш жиҳатидан ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Артель ишчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан руҳланиб, ғайратларига-ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Улар Пленум қарорларига жавобан меҳнат унумдорлигини янада ошириш, технология процессларини такомиллаштириш, илғор иш методларини кенг қўлланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни имкони бор қадар кўпайтиришга қаратилган бирқанча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Тошкент темир йўлида

БИР МИЛЛИОН СЎМЛИК МАБЛАҒ ТЕЖАЛДИ

Темир йўл Тошкент бўлимининг кўпсонли коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини зўр мамнуният блан ма'қуллаб қолдилар. Улар Пленум қарорларига жавобан қўшимча равишда кўплаб юк ташиш, составларни жадал усулда тузиш ва шу асосда вагонларнинг оборотини тезлаштириш юзасидан ўз зиммаларига янги, оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар.

Темир йўл Тошкент бўлимининг илғор машинистларидан Акифьев, Супрунец, Доля ва бошқа ўртоқлар белгиланганидан кўп юк ортилган оғир составларни бошқаришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Коллектив ўртасида кўпюкчилар ҳаракатини кенг ривожлантирилиши натижасида шу йилнинг ўтган вақти ичида 4126 та оғирюкли составлар жўнатилган. Булардa пландан ташқари кўпгина юк ташилди. Юк ташиш таннархининг тобора арзонлаштирилиши натижасида давлатнинг бир миллион сўмликдан ортиқ маблағи тежалди.

ИШЛАБЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИНИНГ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Яқинда темир йўл Тошкент бўлимининг касаба союз комитети касблар бўйича бошланган мусобақанинг иккинчи квартал якунларини кўриб чиқди.

Сергели кондукторлар резерви ўртасида составларнинг юриш тезлигини оширишни та'минлаган бош кондукторлардан Холмат Султонов, Абдулла Утевлиев ўртоқларга «Социалистик мусобақа ғолиби» деган ном берилди.

Ўртаовул станциясининг торозбони Январ Янгуазов, Кауфман станциясининг торозбонларидан Ортиқ Зокиров, Махсим Губайдуллин ва бошқа ўртоқлар составларга юкларни зичлаб жойлаштиришда энг яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Проводниклардан Тохир Толипов, Абдулла Султонов, поезд бошлиқларидан Нормат Нортожиев ва Собир Мақсудов ўртоқлар пассажирларга маданий хизмат кўрсатишда яхши натижаларга эришдилар.

Ўз касблари бўйича социалистик мусобақада ғолиб чиққан ишлабчиқариш илғорларига фахрий ёрлиқлар топширилди.

ТЕПЛОВОЗЛАРНИНГ ЮРИШ ТЕЗЛИГИ ОШМОҚДА

Темир йўл бўлимининг Тошкент—Сирдар'ё участкасида темир йўл ремонти тамом бўлай деб қолди. Ремонт ишларининг тамомланиши шу участкада составлар қатновини яхшилайди, тепловозлар ва вагонларнинг қувватидан тўла фойдаланиш, уларнинг юриш тезлигини ошириш имкониятини беради. Бу эса темир йўлда вақтнинг анча қисқартиришни та'минлайди.

Диспетчерлардан Аҳмедов, Кондратьев тепловозларнинг бекор туриш вақтини имкони борича қисқартириш натижасида уларнинг юриш тезлигини тобора оширмоқдалар. Кейинги йиллар ичида тепловозларнинг бир суткада ўртача юриш тезлиги 50 километрга яқин ошди.

Темирйўл Тошкент бўлимининг энг яхши диспетчерларидан Ким Кондратьевнинг ташаббуси блан бўлимда тепловозлар оборотини тезлатиш учун бошланган мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. **Суратда:** ўртоқ **Ким Кондратьев** иш устида.

М. Комлев фотоси.

ПАССАЖИРЛАРГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНМОҚДА

Темир йўл бўлимида пассажирларга маданий хизмат кўрсатиш тобора яхшиланмоқда. Пассажирлар поезларга чиқиб-тушадиган жойларни обод қилиш, пассажирларга имкон борича қулайлик туғдириш мақсадида ҳар йили кўп миқдорда маблағ сарфланмоқда. Янги перронлар ва павильонлар қурилиб, улар зарур асбоблар блан жиҳозлантирилмоқда. Сергели, Чирчиқгорний станцияларида янги перрон қурилиши муддатидан илгари битказилиб, фойдаланишга топширилди. Бараж ва Кучли станцияларида қурилаётган перронлар темирйўлчилар коллективининг Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунигача қилган совғасидир.

Тошкент темир йўл бошқармаси станциялардаги пассажир биноларини жиҳозлаш учун 800 минг сўм маблағ ажратди.

А. ЛЕВШИН.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР УЧУН ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

Тошкент темир йўлининг кўпгина ходимлари ўз традицион байрамини янги обод квартираларда кутиб оладилар.

Бинокорлар йил бошидан бери бирнеча турар уйни фойдаланиш учун топширдилар. Олтита янги бинога Арись станциясининг темирйўлчилари кўчиб чиқдилар. Тошкент узелининг коллективи учун тўртта катта бино, шу жумладан 34 квартирали битта бино қурилди. Чиноз, Сирдар'ё, Урсатьевская ва бошқа станцияларнинг транспортчилари янги уйларга кўчиб кирдилар.

«Средазжилдорстрой» коллективи Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни шарафига олган ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Бинокорлар қарийб олти минг квадрат метр уй-жойларни фойдаланиш учун топширдилар. Тошкент қурилиш участкасининг коллективи ҳаммадан кўра яхши ишлади. Бу коллектив уй-жойлар қурилишини муддатидан илгари ва яхши сифат блан бажарди.

Бинолар қуришда темирбетон конструкциялари кенг қўлланилди. (ЎзТАГ)

Поездларга юк ортишнинг янги методи

ҚЎҚОН, 30 июль. (ЎзТАГ). Тошкент темир йўли Қўқон бўлимининг станцияларида вагонларга юк ортиш ва вагонлардан юк туширишнинг шу бўлимдаги эксплуатация бўлими бошлиғи А. Трушин таклиф этган янги методи жорий қилинди.

Эндиликда бу бўлимда поездлар қатновининг ва юк ортиш-юк туширишишларининг суткалик бирлашган графиги тузилади. Яқин масофага юк жўнатучи корхоналар поезднинг жўнаб кетиш муддати ҳақида ўз вақтида хабардор қилинади. Юкларни оладиган ташкилотларга эса бу юкларнинг қачон етказиб берилиши ҳақида хабар қилинади. Буларнинг ҳаммаси юк ортилган вагонларнинг бекор туришини тамомила тугатишга имкон беради.

Планлаштиришнинг бундай тартиби ҳарбир станциянинг бир ме'ёрда ишлашини та'минлайди, камроқ вагонлар блан кўпроқ юк ташишга имкон беради. Қўқон бўлимида юк ортиладиган вагонларнинг бекор туриши белгиланганга нисбатан тўққиз процент камайтирилди. Шу туфайли йил охиригача икки миллион сўм маблағ тежалади.

Тошкент темир йўлининг техника бўлими Қўқон темирйўлчиларининг тажрибасини умумлаштирди ва бу тажриба ҳозир ҳамма бўлимларда жорий қилинаётир.

Пленум қарорларига жавобан

ЧИРЧИҚ, 28 июль. (ЎзТАГ). Сталин номидаги Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларига амалий иш блан жавоб бермоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб беш процент кўпайди.

Ҳозир корхона цехларида партиянинг XX с'езди шарафига мусобақа кенг авж олди. Комбинат коллективи янги социалистик мажбуриятлар олди. Бешйиллик планни ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1 ноябрьгача, шу йилги планни эса 27 декабрьгача бажаришга қарор қилинди. Химиклар бу йил пландан ташқари камида 2,5 минг тонна аммиак селитраси ишлаб чиқаришга ҳамда қувватлардан яхшироқ фойдаланиш, рационализаторлик таклифларини жорий қилиш ҳисобига камида тўрт миллион киловатт-соат электр қуввати тежашга ва'да бердилар.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида марказий — синаш станциясини муддатидан илгари монтаж қилиб бўлишга, циркуляр насосни ва бирқанча бошқа юқори унумли агрегатларни ишга туширишга қарор қилинди.

СОВЕТ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

* * *

Ўз касбимни севаман

Торозибонлик — менинг қадрдон ҳунарим. 48 йилдан бери шу касбда ишлайман.

Бу ерда тартибли режали ишлашга риоя қилиш жуда қаттиқ талаб қилинади. Ҳарбир составга ортиладиган ҳилма-хил юкларни алоҳида-алоҳида қилиб қўйилмаса, шу алоҳида қилиб ажратишда қайси юк олдинги, қайсиниси жейинги вагонга ортилишига қараб, режалаб қўйилмаса иш жуда қийинлашиб кетади. Бир ўрам юк бошқасининг ичига аралашиб қолса уни топиш, белгиланган жойга қайтариб юбориш учун қанчадан-қанча оворагарчилик бўлади.

Ма'лумки, бир составга турли хил юк ортилади. Уларнинг ҳарбир хилини қандай қилиб зич тахлаш торозибонга боғлиқ. Яқин кунларгача бир вагонга 26 та арава ортаётган эдик, мен уларни бошқача тартибда тахлашни таклиф қилдим. Натижада ҳар вагонга 30 тадан арава жойланмоқда. Бу — колхозларга қилаётган ёрдамимиз бўлади.

Шиша-чинни идишларни юклаш ва тушириш торозибонлар учун энг мас'улиятли иш ҳисобланади. Яқин вақтларгача саноат корхоналари, ҳамма клиентлар ҳам шиша ва чинни идишларни пакет қоғозга упаковка қилар эдилар. Бундай идишларни бир қатор зичлаб териш блан вагон тўлган ҳисобланарди. Мен клиентларга бундай идишларни яшикларга жойлашни тавсия қилдим. Улар таклифимни қабул қилишди. Яшчикларга жойлашни қўлланиш туфайли шу юкларнинг обороти 2,5 — 3 ҳисса ортди, уларнинг нобуд бўлиш процанти кескин суратда камайди.

Биздаги янгилиқ ҳозир бошқа жойларда, жумладан Москвада ҳам кенг қўлланилмоқда.

Бизнинг мақсадимиз қўлимизга келган юкларни оз вагонга жойлаб, эга-эгасига тезроқ, бехато етказиб беришга хизмат қиладиган қулайликларни қидиришдир. Бу соҳада мен ҳам қўлимдан келганча ўз ҳиссамни қўшмоқдаман. Мени темир йўл бошқармаси, қоларева партия ва ҳукумат яхши тақдирламоқда. Чор россияси даврида 10 йил ишлаганимда бошим бойдан сўкиш эшитиш ва туртки ейишдан чиқмаган бўлса, Совет ҳукумати йилларидаги 38 йиллик хизматим учун «Фахрий темирйўлчи», «А'лочи темирйўлчи» унвонлари олдим, икки марта Узбекистон ССР Олий Советининг «Фахрий ёрлиги» блан тақдирландим.

И. МЕШЕРИНОВ,
Тошкент темир йўли юк дворининг торозибони.

Минутлар ҳисобига

Халқимизнинг «Ҳарбир ишни бошидан пишиқ қил!» деган ҳикматли сўзи бор. Бу жуда ҳақ гап. Чунки иш бошидан қанчалик пухта ўйлаб қилинса, унинг самараси ҳам шунчалик яхши бўлади. Масалан, машинасозлик заводларида бевосита ишнинг боши қуючилик цехи ҳисобланади. Бу ерда тайёрланаётган қуйилма қанчалик сифатли бўлса, ундан тайёрланаётган турли хил детальлар, қоларверса машиналар ҳам сифатли чиқади.

Бизда бўлса, я'ни темир йўл транспортида ишнинг боши состав тузишдан бошланади. Жўнатилмоқчи бўлган состав мақсадга мувофиқ ва пухта ўйлаб тузилса, машинистлар, диспетчерлар, стрелкачилар учун шунчалик қулайлик туғдирилади. Натижада поезд мўлжалланган ерга ўз муддатида боради, бинобарин составдаги юклар ҳам исте'молчиларга белгиланган муддатда топширилади. Шу сабабли состав тузучилар зиммасига алоҳида мас'улият юклатилган.

Биз ана шу мас'улиятни чуқур ҳис қилган ҳолда составларни тез ва мақсадга мувофиқ қилиб тузишга алоҳида э'тибор бермоқдамиз. Бу соҳада Ватанимизнинг турли районларида эришилган ютуқларни пухта ўрганиб, ўз ишимизда қўлланмоқдамиз. Состав тузмасдан олдин шу составни қандай қувватга эга бўлган паравоз ёки тепловозга тиркалишини билиб оламиз. Шундан сўнг паравоз ёки тепловознинг тортиш қувватига қараб вагонларни ма'лум группаларга ажратамиз. Кейин эса составни тузабошлаймиз.

Бизнинг иш шароитимизда бутун бригада-а'золарининг аҳиллик ва ҳамжиҳат бўлиб ишлаши айниқса кўпроқ талаб қилинади. Чунки, бу ерда ишнинг сифатига ма'лум шахс эмас, балки бутун бригада жавобгардир. Шу сабабли иш бошламасдан аввал ўзаро қилинадиган ишни тақсимлаб оламиз. Ҳарбиримиз ўз зиммамиздаги вазифани мумкин қадар тез ва сифатли қилиб бажариш учун астойдил ҳаракат қиламиз. Шунинг учун ҳам бригадамиз меҳнатда янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. План бўйича состав 30 минутда тузилиши лозим бўлгани ҳолда биз бу муддатни 25, ҳатто 20 минутгача қисқартирдик. Ана шу тежалган минутлар ҳисобига кундалик смена топшириғи системали равишда 140 — 150 процентга етказиб бажарилмоқда. Ҳозир бизнинг бригадамиз бешинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариб, келгуси беш йиллик ҳисобига ишламоқда.

А. РОЗИБЕКОВ.
Тошкент товар станциясининг состав тузучиси.

* * *

Тошкент темирйўлчиларининг муваффақияти

Темир йўл Тошкент бўлимининг коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларига жавобан ўз ишини янги талаблар асосида қайта қуриб олмоқда. Ма'лумки, Тошкент области республикамиздаги энг йирик ва саноатлашган областдир. Областдаги саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги тайёрлаётган маҳсулотларнинг тури ва ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида темирйўлчилар олдига катта вазифаларни қўймоқда.

Биз халқ хўжалигини янада ривожлантиришда, шаҳар блан қишлоқ ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда темирйўл транспортининг жуда катта роль ўйнашини тушиниб, юк ташиш юзасидан берилган давлат топшириқларини доимо ошириб бажариш учун курашмоқдамиз. Бўлимда Иттифоқимиздаги темирйўлларда яратилаётган янгиликларнинг кенг қўлланилиши, составларни жадал усулда тузиш, вагонларга юкларни зичлаб жойлаштириш, поездлар қатновини қат'ий график асосида ташкил қилиш, уларнинг юриш тезлигини тобора ошириш натижасида бўлимга қарашли корхоналарнинг деярли ҳаммаси давлат планларини тўла ва ошириб бажармоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ, бўлимга қарашли 33 та юк станциясидан 15 таси бешйиллик планни бажариб қўйди. Айниқса, Чирчиқ, Қизил тўқимачи ва бошқа станцияларнинг меҳнатсевар коллективлари яхши натижаларга эришмоқдалар.

КПСС XIX с'езди директиваларида белгилаб берилган бешинчи бешйилликда вагонлар оборотини 18 процент кўпайтириш кўзда тутилган эди. Бўлим ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг астойдил ишлашлари натижасида бу вазифа 1952 йилдаёқ бажарилди. 1955 йилга келиб, вагонлар обороти 1950 йилдагига нисбатан 36 процент кўпайтирилди.

Область саноати ва қишлоқ хўжалиги ишлабчиқараётган маҳсулотнинг кўпайиши блан биргаликда бўлимда ташилаётган юкларнинг ҳажми ҳам тобора ошмоқда. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида бир кеча-кундузда ташилаётган юкнинг ҳажми 1940 йилдагига нисбатан бирнеча баравар, 1950 йилдагига нисбатан эса, 170 процентга ошди. Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда бўлимнинг янги техника блан тобора кўпроқ та'минланаётганлиги ҳал қилучи роль ўйнади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган темир йўл транспортининг социалистик жамиятни янада юксалтиришдаги ролини ошириш учун уни янги техника блан тобора кўпроқ та'минлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Ҳозир бўлимда кучли тепловозлар ва паровозлар ишлаб турибди. Шунинг натижасида меҳнат унумдорлиги тобора ошмоқда, ташилаётган юкларнинг таннархи камаймоқда. Бешйиллиқнинг ўтган вақти ичида юк ташиш таннархи 1950 йилдагига нисбатан 14 процент, пассажирлар ташиш таннархи эса 34 процент камайди. Ана шулар оқибатида ўтган давр ичида пландан ташқари 10 миллион сўмга яқин жамғарма берилди.

Бўлимда ўтган давр ичида янги ва мураккаб техникани мукаммал ўзлаштириб олган кўпгина юқори малакали кадрлар етишиб чиқди. Улар ишда ташаббус кўрсатиб, бой техникадан тўла ва унумли фойдаланиш намуналарини кўрсатмоқдалар, давлат планларини ошириб бажаришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Коллективимиз ўзининг традиционал байрами — Бутуниттифоқ темирйўлчилар Кунини меҳнатда янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олмоқда. Кўпгина станция коллективлари 7 ойлик планни муддатидан илгари бажариб, ҳозиргача пландан ташқари мингларча тонна юк туширидилар ва юк ортдилар.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми социалистик саноатимизни, даставвал оғир индустрияни кескин равишда ривожлантиришнинг аниқ бўлажак йўлларини белгиланган. Пленум томонидан саноатимиз олдига қўйилаётган ғоят катта вазифаларни муваффақият блан бажаришда темир йўл транспорти муҳим роль ўйнайди. Саноат корхоналарига, қурилиш об'ектларига хомаш'ё ва ёрдамчи материалларнинг ўз вақтида етказиб берилиши бу корхоналарда давлат планларининг бир me'ёрда бажарилишини та'минлайди. Темир йўл транспорти олдига қўйилаётган ҳозирги юксак талабларни чуқур ҳис қилган коллективимиз пландан ташқари кўплаб юк ташиш мақсадида кўпюкчилар ҳаракатини тобора кенг қулоч ёйдирмоқда.

Бўлим коллективи бутун совет халқи блан бирқаторда шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездини чақириш ҳақидаги хуш хабарни ғоят кўтаринки руҳ блан кутиб олди. Машинистлар, торозибонлар, диспетчерлар ва бошқа касб эгалари партия XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Кўпгина участкаларда оғир юк ортилган поездлар белгиланган жойларга муддатидан илгари етказиб берилмоқда, юкларни вагонларга зичлаб жойлаштириш натижасида юк ташиш ҳажми тобора ошмоқда. Бу соҳада Тошкент тепловоз депосининг машинистларидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Немудров, Эрматов, Сотников, Нурмуҳамедов ва бошқа ўртоқлар, айниқса яхши натижаларга эришмоқдалар. Депо партия ташкилоти коллектив ўртасида кўпюкчилар ҳаракатини тобора кенгайтириш мақсадида илғор машинистларнинг иш тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида э'тибор бермоқда.

Бўлимда кўпюкчилар ҳаракатини кенгайтириш, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Коллективимиз шу кунгача составларга белгиланганидан ортиқча юк ортиш натижасида пландан ташқари қариб 1,5 миллион тонна юк ташиди. Бу—бизнинг темирйўлчилар байрамига муносиб совғамиздир.

Бўлим ма'мурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қўлга киритилган дастлабки ютуқларни меҳнатда янги муваффақиятлар блан мустаҳкамлаш мақсадида бирқанча тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан мавжуд бой техникадан тўла ва унумли фойдаланиш, бу соҳада энг яхши натижаларга эришган станция коллективларининг тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида якшанба техника конференцияси бўлиб ўтди. Унда ишлабчиқаришга янги техника ва илғор технологияни кенг жорий қилиш масалалари кўрилиб, муҳим тадбирлар белгиланди.

Темир йўл магистралининг Тошкент бўлими коллективи ўзининг традиционал байрами — Бутуниттифоқ темирйўлчилар Куни нишонланаётган шу кунларда ўз ишларининг натижаларига якун ясаб, мавжуд камчиликларни қисқа муддат ичида тугатиш, ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш ишконини беручи тадбирларни белгиламоқда. Коллективимиз бешинчи бешйиллик топшириғини муддатидан илгари — 15 ноябрьда бажариш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятни шараф блан бажариш учун ўзининг бутун куч ва ғайратини сафарбар этмоқда.

Н. ДМИТРИЕВ,
Темир йўл Тошкент бўлимининг бошлиги.

* * *

Диспетчерлик — шарафли иш

Тошкент темирйўлчилари бу кунги байрамга қанчалик катта муваффақиятлар блан келган бўлсалар, бу ютуқларга эришишда диспетчерларнинг ҳам ўз ҳиссаси бор. Чунки диспетчер — локомотивлар оборотини тезлаштиришда, пассажир, почта, товар ва бошқа поездларнинг аварияси нормал ҳаракат қилишини та'минлашда, юк ташиш таннархини камайтиришда ҳал қилучи роль ўйнайдиган фигурадир. У, ўз участкасидаги станция бошлиқлари ва дежурларини, машинистлар ва кондукторлар бригадаларини, поезд-вагон мастерларини ва бошқа хил касбдаги темир йўл ходимларини мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишга ва давлат планларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича ошириб бажаришга сафарбар этади. Ундан ғоят оперативлик блан ишлаш, участкадаги барча тепловоз, паровоз ва поездларнинг қаерда, қандай ҳолатда эканлигини «кўз олдида» кўриб туриш, станциларнинг қайси йўли, қайси «тушиги» қайси подъезди бўш ёки банд эканлигини аниқ билиб, у жойлардан бутун смена давомида рационал фойдаланиш, қўшни участка диспетчерлари блан контактни мустаҳкамлаб, оператив планни изчиллик блан амалга ошириш талаб қилинади. Бу ишнинг мас'улиятли ва мураккаблиги яна шундаки, ҳар минутда албатта бирор қийин масалани ҳал қилишга тўғри келади.

Кўз кўрқоқ — қўл ботир деганларидек бу ишнинг шунчалик жиддий ва қийин бўлишига қарамай, бизнинг диспетчерлар ўз вазифаларини шараф блан адо этмоқдалар. Шулар қатори мен ҳам бутун коллективнинг ғайрат блан қилаётган фидокорона меҳнатини самарали ишланиши учун, бўлимимиз техника-иқтисодий кўрсаткичларининг имкони борича кўтарилиши учун курашмоқдаман. Мен локомотивларнинг станцияда туриш вақтини қисқартишга, чапдаст машинистларнинг кўпроқ оғир юкли поезд бошқаришларини ва тепловозларнинг бутун маршрут бўйлаб оширилган тезликда ҳаракат қилишини та'минлашга, бўшатилган составни тезда юк ортишга бериб туришга алоҳида э'тибор бераман. Шунинг учун ҳам менинг сменамда ҳамма турдаги поездлар қат'ий график асосида қатнаши блан бирга оғир юкли составлар сони бошқаларнинкидан кўпроқ бўлади. Масалан, 29 июль куни 4 та составга мўлжалланган юкни 3 та оғир юкли составда жўнатдик. Машинист Зенкевич Тошкентдан Сирдар'ёга 2500 ўрнига 3054 тонна юкни ўз вақтида етказиб борди.

Шубҳасиз, биз бу ютуқлар блан қаноатланиб қолмай, янада юқорироқ кўрсатгичларга эришиш учун курашамиз.

А. АХМЕДОВ,
Тошкент-Сирдар'ё участкасининг диспетчери.

Юк обороти тезлашмоқда

Темир йўл Урсатьевск бўлимининг ходимлари меҳнат унумдорлигини оширишга ҳизмат қиладиган зарур тадбирларни амала ошириш учун йил бошидан бери социалистик мусобақа асосида фидокорона меҳнат қилдилар. Натижада улар темирйўлчилар Кунига меҳнат соҳасида юқори кўрсаткичлар блан келдилар. Бўлим бўйича иккинчи квартал юк ортиш плани 101,3 процент қилиб бажарилди. Фарғона водиси ва Ашхобод темир йўли блан юк алмашиш ҳажми анча ортди, бу эса юк ташиш планининг белгиланганидан 19 процент ошириб бажарилишини та'минлади. Ўтган 7 ой давомида юк обороти қариб 25 процент миқдорида ошди. Поездларнинг юриш тезлиги ва оғирлиги 4 процент кўпайди.

Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда илғор машинистлардан В. Лазарев, В. Захарченко, В. Жеманов каби ўртоқлар нуқул оғир юкли составларни жадал метод блан бошқариб, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Сўнгги уч ойнинг ўзида поездларни жадал метод блан бошқариш туфайли 16 мингга яқин вагон-соат тежалди, Бу — қўшимча равишда кўпгина саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа турли юкларни ташиди, деган сўздир.

Торозибонлар имкони борича кўпроқ юк ташиш, машина, қурилиш материаллари сингари юкларнинг белгиланган жойга тезроқ етказиб берилишини та'минлаш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар илғор иш усулларини қўлланиб, ҳарбир вагонга ихчамлаштириш методи асосида белгиланганидан ортиқ юк жойлаштирмоқдалар. Турли ортиқча ҳаражатларни қисқартириш ҳамда ҳарбир касб эгасининг давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш учун э'тиборини кучайтириш орқасида шу йилнинг ўтган 7 ой ичида икки миллион сўмликдан ортиқ маблаг жамғарилди.

Темир йўл Урсатьевск бўлимининг ишчилари, инженер-техник ходимлари қўлга киритилган дастлабки муваффақиятларини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига жавобан шу пайтгача фойдаланилмай ётган ички резервларни ахтариб топиш, ишлабчиқаришда янги техника ва илғор технологияни кенг жорий қилиш, мавжуд техникадан максимал фойдаланиш каби масалаларга катта э'тибор бермоқдалар.

Л. АЛЕКСЕЕВ.

* * *

МАШИНИСТ

Депода қачегар бўлиб ишлаб юрган кезларида Юнуснинг кўнглида бир янги орзу—тепловоз машинисти бўлиш истаги уйғониб қолди. У, депога келган қудратли, чиройли локомотивга суқланиб боқар ва уни узоқ-узоқ тамоша қиларди. Агарда уч-тўрт машинист ўзаро суҳбатлашиб турган бўлса, дарров улар олдига борар ва сўзларини диққат блан тинглар эди. Ундаги бу ўзгаришларни сезиб юрган ҳамкасблари Юнусга бирорта илғор машинистга шогирд бўлишни маслаҳат бердилар. Ниҳоят у, бир куни ўз орзусини тепловоз машинисти Михаил Ледяевга айтди.

— Мени шогирд қилиб олмайсизми, ўртоқ Ледяев,—деди у.

— Жоним блан, — ҳурсанд бўлди Ледяев,—агар сен машинист бўлмоқчи бўлсанг 2—3 ойда яхши ёрдамчи машинист қилиб етиштираман, Сўнг курсда ўқиб ниятингга етасан.

Шу кундан бошлаб Юнус Тўлаганов тепловоз ҳаракатини ва уни бошқариш «сирлари» блан танишабошлади. У, кўпроқ вақтини «Трансжелдорназдат» томонидан чиқарилган китобларни ўқиш блан ўтказадиган бўлиб қолди. Бир йил Ледяевга ёрдамчи бўлиб юргач, анча нарсани билиб олди. Мураккаб машинани моҳирлик блан бошқариш учун унинг барча қисмларини пухта ўзлаштириб олиш талаб қилинарди. Шу сабабли Юнус 1950 йили машинистлар тайёрлайдиган бир йиллик курсга кирди ва уни муваффақият блан тугаллади. Ёна бир йил ёрдамчи машинист бўлиб ишлади. Сўнг 1952 йили «ТЭ2 — 050» тепловозига машинист қилиб тайинланди.

Юнуснинг янги касбни севиб қолганлигини унинг ишидан дарҳол сезиб олиш мумкин эди. Шу пайтгача Тўлаганов бошқараётган тепловозда бир марта ҳам авария содир бўлгани йўқ. Шу йилнинг ўтган 7 ой давомида 80 мартага яқин оғир юкли поезд бошқариб, нормадагидан ташқари 23 минг тоннага яқин юк ташиб берди. Ҳар рейсда 400 тонна қўшимча юк ташиш, ҳар соатда камида 3 километр ортиқча йўл босиш, ойига 5,5—6 тонна ёқилғи тежаш Юнус бошлиқ бригада учун қонун тусига кириб қолган.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритдилар, деб айтиш осон, аммо унга осонлик блан эришилмайди. Оғир юкли составни бошқариш учун йўлнинг пасти-баландини, локомотивдан фойдаланиш техникасини беш қўлдек билиш ҳамда тепловознинг ҳамма қисмини а'ло даражада ишга яроқли бўлиб туришини та'минлаш, ҳаракат давомида дизелнинг суви, мойи ва температурасидан доимо ҳабардор бўлиб туриш, ҳар стоянкада тяга моторларини, электр схемасини синчиклаб кўздан кечириб бориш талаб қилинади.

Юнус ўз ёрдамчилари Михаил Фадеев, Сергей Денисов ўртоқлар блан аҳиллиқда ишлаши, машинага яхши қараши орқасида техника иқтисодий кўрсаткичини систематик равишда ошириб бажаришга эришмоқда. Темир йўл ма'мурияти ҳам Юнус Тўлақановнинг бу хизматларини яхши тақдирлаб келмоқда. Ҳарбир байрамда унга, албатта, бирор хил мукофот берилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг транспортни соат механизмидек аниқ ишлашини та'минлашга катта аҳамият бериб келаётганини яхши тушунган Тўлаганов, шу кунларда халқ хўжалиги учун зарур юкларини янада кўпроқ ташиш иштиёқи блан ишламоқда.

З. ИСРОИЛОВ.

☆ ☆ ☆



Суратда: бир группа илғорлар (чапдан ўнгга): Тошкент тепловоз депоси ремонт цехининг ишчиси **Ю. Кудряшев**, Тошкент пассажир станциясининг старший стрелкачиси **Г. Чабан**, старший машинистлар **М. Нурмуҳамедов** ва **Б. Мирбобоева**, пассажир станцияси диспетчери **Ф. Гончаров**, машинист ёрдамчилари **Н. Отахўжаев** ва **А. Воинов**, Тошкент товар станциясининг состав тузучиси **А. Розибеков** ўртоқлар.

Н. Меламед фотоси.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

* Тошкент ва Урсатьевск темир йўл бўлимлари хўжалигини тинмай юксалтириш мақсадида бу йил 5 миллиондан кўпроқ маблаг сарфланмоқда.

* Тошкент темирйўл бўлимида вагон обороти шу бешйиллик давомида КПСС XIX с'езди директиваларида кўрсатилганидан икки ҳисса, я'ни 18 процент ўрнига 36 процент ортди.

* Темир йўл Тошкент бўлимида паравоз ўрнига тепловозлардан фойдаланиш натижасида 4 ярим йил мобайнида 200 миллион сўмга яқин маблағни тежаб қолишга муваффақ бўлинди.

* Тошкент тепловоз машинистлари ва Урсатьевск паровозчилари 7 ой ичида оғирюкли поездлар сонини кўпайтириш ва локомотивнинг техник тезлигини ошириш йўли блан белгиланган нормага қўшимча равишда 3 миллион тоннага яқин юк ташиб бердилар.

* Шу йилнинг биринчи ярмида Тошкент темирйўлчилари учун 2700 квадрат метр, урсатьевсклилар учун 1600 квадрат метр уй-жой фонди фойдаланишга топширилди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

* 1955 йил 6 ойи мобайнида пассажирларни ташиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,6 процент кўпайди.

* Ярим йил ичида Тошкент ва Урсатьевск бўлимларида поездларнинг техник тезлиги белгиланганидан 4 процент ошди. Ҳар икки бўлимда юкларни зичлаб жойлаш ҳисобига 3000га яқин вагон тежаб қолиниб, уларга қўшимча юк ортилди.

* Тошкент темир йўл бўлимида яримйилликда 3468 поезд жадал метод блан жўнатилган ва 43 минг вагон-соат ҳамда 4 миллион сўмга яқин пул тежалган.

* Тепловозларнинг суткалик ўртача йўл босиши 1950 йилги миқдордан 137 километр кўпайди, поездининг оғирлиги эса 240 тонна ортди.

* Яқинда ўтказилган рационализаторлик таклифлари ойлигида Тошкент темир йўл бўлими БРИЗига 265 таклиф тушди. Ҳозир улардан 111 таси ишлабчиқаришга жорий қилинди. Йил бошидан бери тушган рационализаторлик таклифларининг ўзи йилига давлатнинг бирнеча юз минг сўм маблағини тежаш имкониятини беради.

Августда дала ишларини намунали уюштириб, ҳар бир туп ғўзада мўл ҳосил етиштириш учун курашайлик!

Пахта далалари илғорлари

Э. БЎРИБЕКОВА
Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи. Ўртоқ Бўрибекова бошлиқ бригада гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган.
М. Шевелев фотоси.

А. ЭРКАБОЕВ,
Гулистон районидаги Крупская номли колхознинг звено бошлиғи. У бошлиқ звено гектаридан 75 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда.
Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси)

М. ЙЎЛДОШЕВА,
Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи. Унинг бригадаси 40 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилган.
А. Ким фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси)

Ғўза парваришини бир-бирига боғлаб ўтказмоқдамиз

А. ШУКУРАЛИЕВ
Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз раиси, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати

Шу кунларда ҳарбир колхозчи ва ҳарбир механизаторнинг э'тибори ҳосилнинг тақдири ҳал бўлаётган мана шу ғаниматкунларидан тўла ва унумли фойдаланишга, ҳар гектар ерда мажбуриятда белгиланган миқдорда пахта ҳосили етиштиришга қаратилган.

Биз ана шу мақсадда 2 минг 425 гектар пахта майдонимиздаги ғўзаларни серҳосилли бўлиб барвақт етишишини та'миналаш учун курашаётирмиз. Ғўза парваришини ўсимликнинг талабига қараб, қулай муддатларда ўтказмоқдамиз. Ерости сувлари яқин бўлган айрим участкаларда суғориш ишини ғўза шонага киргандан кейин ўтказган бўлсак, айрим пайкалларда бу тадбир анча барвақт амалга оширилди. Бу экиннинг соғлом ривожланиб, барвақт ҳосилга киришини та'миналаётир.

Шу кунларда пахтакорларимиз учун энг мас'улиятли давр бошланди. Ғўза парваришида кичик хатога йўл қўйиш блан жуда кўп миқдордаги ҳосилни нобуд қилиб юбориш мумкин. Суғориш ва культивация бир кун кечикса ёки экин бир марта ошиқча суғорилиб қўйилса, 10 — 15 процент ҳосил камайиб кетади. Шунинг учун ҳам биз ҳамма бригадаларда дала ишларини агрономларнинг ва уста пахтакорларнинг маслаҳати асосида ўз вақтида ўтказаётирмиз. Янги усул блан экилган 1 минг 177 гектар ердаги ғўзалар шу кунгача 3 марта узунасига ва кўндаланг ига ишланди. 3 марта чопиқдан чиқарилди. Ҳозир 4-нчи культивацияни давом эт дирмоқдамиз. Шунингдек, озиқлантириш ва суғориш ишлари ҳам ўз муддатида ўтказилмоқда. Натижада барча майдондаги ғўзалар қийғос кўсаклайбошлади.

Биз квадрат-уялаб чигит экилган участкаларда жуда кўп миқдорда меҳнат кунинқтисод қилишга муваффақ бўлаётирмиз. Культивация иккитомонлама ўтказилаётган майдонларда бир колхозчи бир кунда 0,20—0,25 гектар ердаги ғўзани чопиқ қилиб улгураётган бўлса, оддий усулда чигит экилган майдонларда фақат 0,8 — 0,10 гектар ерда чопиқ ўтказилмоқда, я'ни квадрат-уялаб жойлаштирилган ғўзаларни чопиқ қилиш учун бир гектарга 7 ярим меҳнат куни сарфланаётган бўлса, оддий усулда экилган қатларда 15—18 меҳнат куни сарфланмоқда.

Дала ишларида агротехниканинг янги усулини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга экаилигини колхозимиз мисолида кўрмоқдамиз. Ящил квадратлардаги ғўзалар қуёш нуридан яхши баҳра олиб, тез ривожланмоқда ва эрта ҳосилга кирмоқда.

Яқинда ўтказилган ўзаро текширишда Абдурасул Бойбўтаев, Раимқул Дўсматов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда ғўзалар яхши парвариш қилинмаётганлиги, озиқлантиришга етарли аҳамият берилмаганлиги ва ўз муддатида суғорилмаётганлиги натижасида ғўзаларнинг ҳосилга кириши кечикаётганлиги ма'лум бўлди. Бунинг олдини олиш учун колхоз правлениеси барча тадбирларни кўрди. Қолоқ бригадаларга идора ходимлари ва колхозчилардан юзга яқин ёрдамчи куч бириктирилди. Меҳнат қайтадан ташкил қилинди ва қисқа муддат ичида ҳамма майдонлардаги ғўзалар қўшимча озиқлантирилди, чуқур кетмон чопиғи ва культивация ўтказилиб, най усулида суғорилди. Ана шунинг натижасида ҳозир бу бригадаларнинг ғўзалари ҳам кўсаклайбошлади.

Биз ғаниматкунларидан унумли фойдаланиб, барча бригадалардаги ғўзаларни маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси блан яна бир марта озиқлантирамиз. Икки марта чуқур культивация, икки марта кетмон чопиғи ўтказамиз.

Ғўза парваришининг энг мас'улиятли даври ҳисобланган шу кунларда универсалчиларимиз социалистик мусобақани янада кучайтириб, ғўза парваришини ҳарқачонгидан ҳам авж олдириб юбордилар. Илғор универсалчилардан Ма'мур Деҳқонов, Гавҳар Умиров ўртоқлар ўз агрегатларидан унумли фойдаланиб, кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар. Фидокор механизаторларимиз 10 кун давомида 164, 157 гектардан ердаги ғўзани культивациядан чиқариб, белгиланган топшириқни анча ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар.

Пахтадан юқори ҳосил етиштириш мақсадида ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятни ошириб бажариш — дала ишларида агротехниканинг барча тадбирларини ўз вақтида тўла амалга оширишимизга боғлиқ. Ана шунга амал қилган илғор бригадаларда агротехниканинг муҳим тадбирларидан бири бўлган ғўза чеканкасини бошлашга киришилди. Хартарафлама ривожланган ғўза тупларининг тик ўсган ва ён шохларидаги ўсиш нуқтаси чилпиб олинаётир. Бу тадбир ғўзаларнинг тупроқдаги озуқа моддаларидан яхши фойдаланиб ривожланишини та'миналайди.

Колхозчиларимиз чеканкани ўз вақтида ўтказиш — ҳосилнинг кўпайишини та'миналаётганлигини кўпйиллик тажрибаларида кўрдилар. Чеканка кўнгилдагидек ўтказилса, ғўза тупларида шона, тугунча ва гўллар шубҳасиз кўпаяди. Кўсак бўлиқ бўлиб етишади. Пахтанинг сифати яхшиланади. Биз барча дала ишлари қулай агротехника муддатларида олиб борилаётган, озуқа етарли берилган участкаларда ғўза чеканкасини ўтказаётирмиз. Бу муҳим ишни культивация, чопиқ, суғориш блан маҳкам боғлаб олиб борилмоқда. Чеканка белгиланган муддатдан олдин ёки кейин ўтказилса, у яхши фойда бермаслигини колхозчиларимиз тушунадилар. Чилпиб ташланган чиқиндининг ғўза қатор орасида қолишига йўл қўймаймиз.

Колхозчиларимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XX с'езди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни тўла амалга оширадилар.

Мирзачўлдаги хотиржамлик ва бепарволик кайфиятлари

ПОДАДАН ИЛГАРИ ЧАНГ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Мусобақадош Гулистон районидан келган ўзаро текшириш бригадаси Мирзачўл районидаги «Ленинизм» колхозида ғўза парвариши ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги ишларни қониқарсиз деб топди. Камқувват «Ленинизм» колхозида 665 гектар пахта майдони бор. Аммо ишчи кучи оз, пахтачилик блан фақат 255 киши шуғулланади. Лекин колхоз раҳбарлари меҳнатни иқтисод қиладиган, пахтадан мўл ҳосил олишнинг прогрессив методи бўлган квадрат-уялаб чигит экишга аҳамият бермаганлар. Бу ҳақда колхоз раҳбарлари блан суҳбатлашсангиз, улар:

— Квадрат-уялаб чигит экишнинг аҳамияти жуда катта, бу метод, айниқса бизнинг камқувват колхоз учун жуда қўл келади-да, дейишади.

Лекин улар амалда бунга аҳамият бермайдилар. Масалан, ягана вақтида 170 гектар ердаги ғўза кўндалангига қирқилиб, икки томонга қараб ишлаш учун мосланган. Ғўзалари кўндалангига қирқилган Шералиев, Хўжақулов, Оқжигитов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда бу ҳақда кўпгина гап-сўз бўлган. Брок, трактор блан 170 гектар ердаги ғўза бир марта ҳам кўндалангига культивация қилинмаган.

«Ленинизм» колхозининг 665 гектар пахта майдонидан қарийб 30 гектар ерида ғўза кўчати йўқ деса бўлади. Бу ердан чиқадиган ҳосилни қоплаш учун мавжуд ғўзаларни яхшироқ парвариш қилиш талаб қилинади. Аммо, текшириш натижаси колхозда шундай ҳаракат йўқлигини, аксинча ғўза парваришни сусайиб кетганлигини кўрсатди. Колхозда меҳнат интизоми бўш. Прогулчиликка, кундалик нормаларни ошириб бажармоқдалар. Фидокор механизаторларимиз 10 кун давомида 164, 157 гектардан ердаги ғўзани культивациядан чиқариб, белгиланган топшириқни анча ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар.

«Ленинизм» колхозида иш сифати устидан назорат ўрнатилмаган. Эркабой Азимбоев бошлиқ бригадада ишлаган тракторчи Жўра Тоғаев 5 гектар ерни 5—6 сантиметр чуқурликда сифатсиз культивация қилган. 7-нчи номерли СУЗда ишлаб турган Каримқул Баратов бирқанча ерларга эгат ташлаб дори сепган. Колхознинг биринчи бригадасида «универсал»чи Отажон Йўлдошев ишламоқда. Аммо трактернинг тормозлари бузулгани сабабли кўп ғўзаларни босиб нобуд қилган. Шунингдек, Холмат Эрматов бошлиқ бригадада сувчи Раймов, Маҳзатовлар сувни ўқариққа очгандан кейин, қаторга бирхилда тарашни унутганлар. Натижада сув ўқариқни ювиб ғўзаларни босиб кетган. Ортиқов бошлиқ звенода ғўзалар қўлдатиб суғорилмоқда.

Бу каби ярамас аҳвол бошқа колхозларда ҳам бор. Жданов номли колхозда тракторларга тўсиқлар ўрнатилмай ишланаётганлиги ғўзалар нобуд бўлаётир. Колхознинг Карим Маматқулов бригадасида ўқариқ текислланмаганлиги трактор ўртадан қайтиб кўпгина ғўзаларни нобуд қилган.

Булганин номли янги колхозда бу йил янги қишлоқ вужудга келтирилди. 700 гектар ер биринчи МТС ёрдами блан ўзлаштирилиб, чигит экилган. Ирригация тармоқлари вужудга келтирилган. Брок, шу кунларда бу колхозда сув етишмай жатта қийинчиликлар юз бермоқда. 750 литр ўрнига фақат 100 литр сув берилмоқда. Бу сувнинг ҳам кўп қисми шолига қўйилаётир. ғўзалар эса сувсизликдан қовжирай бошлаган.

Охунбобоев номли, Каганович номли колхозларда ҳам ғўзаси сийрак жойлар кўп. Деярлик бу колхозларнинг ҳарқайсисида 20—30 гектар кўчатсиз ерлар бор. Шунинг учун ҳам бу колхозларда ғўза парваришига алоҳида э'тибор берилиши лозим эди. Шунга қарамай колхозларнинг раҳбарлари бу муҳим ишга етарли э'тибор қилмаётирлар. Ғўза парваришини агротехника қоидаларига мувофиқ жадал давом эттириш тадбирларини кўрмаётирлар. Аммо, ҳосилнинг кўпгина ер

Президент Титонинг нутқи

БЕЛГРАД, 29 июль. (ТАСС). Қўзғолон куни ва Хорватия халқлари озод қилинганлигининг ўнйиллиги байрам қилиниши муносабати блан 27 июльда Карловац шаҳрида бўлган 200 минг кишилик митингда Югославия Федератив Халқ Республикасининг президенти Иосип Броз-Тито катта нутқ сўзлади.

Тито ўз нутқининг бошида Югославия халқларининг гитлерчилар армиясига қарши олиб борган курраши тўғрисида гапирди. Душман устидан қозонилган ғалаба натижасида, деди у, ҳозирги вақтда бутун дун'ё Югославияга ва унинг халқларига мамнуният блан қарамоқда, улар муттасил ҳарбий тақдидлар бўлиб турган шароитда қунт блан ва ҳормай-толмай ўзлари учун яхши келажак қурмоқдалар ва бу соҳада катта муваффақиятларга эришдилар.

Сўнгра у айтдики, мамлакатни индустриалштирмоқ ва ускуналар импорт қилмоқ учун Югославия чет мамлакатлардан қарз олишга мажбур бўлди ва ҳозирги вақтда унинг қарзлари 400 миллион доллардан кўпроқ маблағни ташкил қилади. Агар сулҳ шартномасини имзолаш вақтида Югославияга уруш пайтида етказилган зарар э'тиборга олинганида эди ва агар Лондон шартномасига муворфиқ, Ғарбий Германия урушга қадар ва уруш йилларида вужудга келган катта қарзларни Югославияга тўлаганида эди, бизнинг бу қарзимиз анча камроқ бўлур эди. Тито Ғарбий Германиянинг Югославияга бўлган қарзлари тўғрисида гапириб, бундай деди: «Биз бу қарзларни талаб қилишимиз лозим, биз ҳақиқатан ҳам уларни талаб қилмоқдамиз ва ўз ҳақимизда воз кечмаймиз, чунки биз етарлик равишда ён берганмиз деб ҳисоблаймиз. Биз максимумни эмас, балки минимумни талаб қилмоқдамиз. Биз шу қарзларнинг тўланишини талаб қиламиз, чунки бу биз учун зарурдир... Мен буёрда шуни айтмаганки, биз ўз манфаатларимизни мумкин бўлган бошқа бирор йўл блан қаттиқ туриб ҳимоя қилишга мажбур бўламиз. Бу масалани улар ижобий ҳал қилиб берадилар, деб кутамиз».

Шу муносабат блан президент Тито қарзлар масаласини ҳал қилишда ўрнак кўрсатган Совет Иттифоқи тўғрисида гапирди. Белградда бўлган музокаралар вақтида «совет раҳбарлари бизнинг устимизга қўйилган эски айбни олиб ташлаш блангина қифояланмай, шу блан бирга, бизга етказилган моддий зарарни ҳам э'тиборга олиб, донолик кўрсатдилар... Улар бизнинг иқтисоий қийинчиликларимизни тушундилар ва 90 миллион доллардан кўпроқ миқдордаги қарзимизни кечиб юбордилар... Бу—бизнинг унчалик катта бўлмаган мамлакатимиз учун, бизнинг экономикамиз учун катта маблағдир». Тито, бошқа шарқ мамлакатлари ҳам шу йўлдан борурлар, деб умид билдирди ва қарадор сифатида ўзини оқлаган мамлакатга нисбатан қандай муносабатда бўлиш керақлигини кўрсатишда Совет Иттифоқи ўрнак бўлди, деб айтди.

Президент Тито мамлакат экономикасини янада ривожлантириш тўғрисида гапириб айтдики, бу соҳада катта қийинчиликлар бор: хомаш'ё, валюта, электр қуввати ва шу сингарилар етишмаётир. Бу нарса йирик саноатни ривожлантириш сур'атларини пасайтиришга, асосий об'ектлар қурилишини тезроқ битказишга, мавжуд корхоналарни реконструкция қилишга ва экспортга ишлайдиган саноатни биринчи навбатда ривожлантиришга мажбур қилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси, деди у, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини кўтаришга ва тўлов балансини тўғрилашга имконият беради. Тито халқаро аҳвол масаласига тўхтаб, бундай деб давом қилди:

«Мен биламанки, ҳозирги вақтда сизларни Женева Кенгаши кўпроқ қизиқтирмоқда. Бу Кенгаш мени ҳам қизиқтирди, шуни айтишим керакки, мен бу Кенгашнинг натижаларидан мамнун бўлдим. Милтиқлар, тўп-замбараклар ва бошқа қуроллар ёрдами блан урушгандан кўра, агар зарурат бўлса, яшил стол теварагида урушиш ва жанжаллашиш яхшироқ эканлиги ҳақида энг юксак доирада яшил стол теварагида музокаралар олиб бориш лозимлиги тўғрисида ҳамиша гапириб келинган ва ҳамиша шунга интилиш бўлган эди, биз шундай музокаралар бошланган пайтга етишишга муяссар бўлдик. Бизни хурсанд қилган нарса шуки, Женева Кенгашида жанжал бўлмади ва у ерда осонлик блан умумий тил топилди ва бу музокараларда янги руҳ ҳукмронлик қилди. Мавжуд англашилмовчиликлар абадий тугатилди ва бу англашилмовчиликлар энди ҳечқачон бўлмайди, деб айтмоқчи эмасман. Англашилмовчиликлар бундан кейин ҳам бўлади, аммо яхши ташаббус бошлаб юборилди.

Бу янги руҳ қай тарика ва нима учун пайдо бўлди? Бутун дун'ё янги руҳ блан суғорилди. Бутун дун'ё — одамлар, халқлар, миллатлар: биз урушни истамаймиз, деб айтмоқдалар. Албатта, тинчлик, осойишталик, ҳамкорлик, тотув бўлиб яшаш ифодаси бўлган бу янги руҳ Женева Кенгашида ҳам намоён бўлиши лозим эди, чунки тўрт буюк халқ йўлбошчиларн халқларда бўлган қайфият блан шу Кенгашга келган эдилар ва бирор натижага эришишни истар эдилар. Менинг фикримча, бу — яхши натижалар бўлди. Зотан мен бундан ортиқ бўлишини ҳам кутмаган эдим. Ҳатто, эришилган натижалар мени бирмунча таажжубга ҳам солиб қўйди — шундай бўлгани ҳам яхши бўлди.

Ҳозир вазифа фақат шундан иборатки, Женева Кенгашининг таклифларини шакллантириш, бу таклифларни Ғарб блан Шарқ ўртасида узил-кесил келиштириб олиш керак. Қуролсизланиш масаласида Совет Иттифоқининг қилган таклифларини сизлар май ойида ўқиган эдингиз. Кенгашда ҳам шу тўғрида гап бўлди».

Шу муносабат блан президент Тито Эйзенхауэрнинг СССР блан АҚШ ўртасида ҳарбий информацияни айирбошлаш тўғрисида қилган таклифи ҳақида гапириб, бу таклифдан пропаганда найранги тарақасида фойдаланишга уринаётган сиёсатдонлардан кулди.

«Мен шу муносабат блан шуни айтмоқчиманки, чет эллардаги ба'зи элементлар бу таклифлардан Совет Иттифоқига қарши пропаганда мақсадларида фойдаланишга уринмоқдалар. Улар сувни лойқатмоқчи ва Женевада эришилган келишувга путур етказмоқчи бўладилар. Улар айтмоқдаларки, Эйзенхауэр аэрофотос'ёмкалар ўтказиш тўғрисида таклиф киритди-ю, аммо руслар бу таклифга ҳатто жавоб беришни ҳам истамаётирлар, бу нарса русларнинг тинчликни истамаганликларини кўрсатади. Бу бема'ниликдир, бу ёмон ният блан қилинаётган пропагандадир. Мен шу нарсага қат'ий равишда аминманки, бу гаплар русларнинг ҳақиқий истакларига ҳечқандай алоқаси йўқ. Мен шу нарсага аминманки, русларнинг тинчликка бўлган истаги америкаликларникидан кам эмас, инглиз халқиникидан кам эмас, француз халқиникидан кам эмас ва Европадаги ҳамма халқларникидан, шунингдек дун'ёдаги ҳамма халқларникидан ҳам кам эмас».

Президент Тито ўз нутқида Совет—Югославия муносабатларини нормаллаштириш масаласига катта э'тибор берди.

«Совет Иттифоқи блан Югославия ўртасидаги муносабатларнинг нормалашуви ва яхшиланиши муваффақиятли бормоқда. Совет раҳбарлари Белградда бўлган вақтларида биздаги ҳақиқий аҳволни ўз кўзлари блан кўрдилар ва биз қандайдир сотилган мамлакат эмаслигимизни, бизнинг мамлакатимизда капитализм асослари йўқлигини, империализм асослари йўқлигини, биз Маркс, Энгельс, Ленин идеяларига ҳиёнат қилмаганлигимизни, биз ўз мамлакатимизда социализмни ўзимизча қураётганлигимизни, биз тинчликсевар мамлакат эканлигимизни ва халқаро проблемалар тўғрисида бизнинг ўз қарашларимиз борлигини, бу қарашлар ҳархил уруш тарафдорларини тинчитишга ёрдам берадиган реалистик, тинчликсевар қарашлар эканлигини кўрдилар. Улар Югославия мустақил мамлакат эканлигига ва у, Ғарбдан ҳам, Шарқдан ҳам мустақил бўлиб қолишни истаётганлигига, унинг ўз тараққиёт йўли борлигига ва ўзининг ички ишларига ҳечбир кимсанинг аралашувига йўл қўйиши мумкин эмаслигига қаноат ҳосил қилдилар. Улар мана шуларнинг ҳаммасини кўрдилар, шунга рози бўлдилар, шунинг учун ҳам биз умумий тил топдик ва бундан кейин бўладиган иқтисоий ҳамкорлигимизга ва бошқа соҳаларда қиладиган ҳамкорлигимизга доир масалаларни ҳал қилишга осонлик блан киришдик.

Совет раҳбарларининг бу келишини Ғарбдаги ба'зибровлар турли равишда талқин қилдилар. Ҳархил черков аҳиллари ва бошқа реакцион элементлар бундан бизга хуруж қилмоқ учун баҳона тарақасида, Югославия Совет лагерига, я'ни коммунистик лагерьга ўтди, деган да'волар учун баҳона тарақасида фойдаландилар. Биз — коммунистлармиз. Лекин биз ҳечқандай лагерьда бўлишни истамаймиз, биз социализм қураётган ва социализм қуришнинг қандай йўли яхшилигини — бизнинг йўлимиз яхшими, ёки уларнинг йўли яхшими эканлигини ўз намунаси блан кўрсатаётган мустақил мамлакат бўлишни истаймиз. Модомики, Совет Иттифоқида ёки бошқа Шарқ мамлакаталарида бирор яхши жиҳатдар бўлар экан, биз бундан мамнуният блан фойдаланамиз, аммо улар истасалар биздан ҳам ба'зи нарсаларни ўрганишлари мумкин. Уларнинг ўзлари ҳам бу тўғрида гапирдилар, биз ҳам бунга тўла равишда қўшилдик. Албатта, биз Ғарбдаги реакцион доираларнинг аҳволни бузиб кўрсатиб, ҳархил нотўғри гаплар айтаётганлигига қулоқ солиб ўтиришимизнинг кераги йўқ. Биз кимларнингдир истагини бажо келтириб, Совет Иттифоқи ва бошқа Шарқ мамлакатлари сингари жуда катта мамлакатга қарши ҳатто пропаганда соҳасида ҳам уруш очишимиз мумкин эмас. Модомики, уларнинг ўзлари урушишни истамас эканлар, бундан буён бизнинг урушиб юришимизнинг нима ҳожати бор... Улар жаҳондаги тараққиётга реал кўз блан қараётган ва ҳархил адашишлар ва ҳархил хато қадамлар ва ҳаракатлар такрорланишини истаётган янги қишилардир, бошқа йўл блан боришни истаётган кишилардир, чунки ўз мамлакатларининг манфаатларини, шунингдек бутун дун'ё манфаатларини ҳам кўзлаб, бутун дун'ё меҳнаткашларининг манфаатларини кўзлаб иш кўраётган кишилардир, улар ўзларининг Ғарб айблаётган кишилардан эмаслигларини, ўзларининг мамлакатлари социалистик мамлакат эканлигини кўрсатишни истаётган кишилардир. Инсоният учун, бутун дун'ёда тинчлик бўлиши учун ва ўзимиз учун фойдали бўлган мана шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан бирга бормаслигимизга ҳечқандай сабаб йўқ. Биз бу масалаларда улар блан бирга борамиз, бу ҳақда нима дейишса дейишаверсин».

Сўнгра Тито ба'зи қўшни Шарқ мамлакатларида Югославия блан муносабатларнинг нормаллашувини ёқтирмайдиган кишилар борлигини айтиб, бундай деди.

«Бу бизнинг мамлакатимизнинг шу мамлакатлар блан бўлган муносабатларини ёмонлаштиришга олиб келолмайди... Бизнинг шу мамлакатлар блан ҳамкорлик қилишда катта иқтисоий имкониятларимиз ва яхши перспективаларимиз бор, бу нарса у томонга ҳам, бу томонга ҳам манфаат етказади.

Биз уларга экспорт қилишимиз мумкин, улар эса бизга экспорт қилишлари мумкин. Биз маданият соҳасидаги муваффақиятларни ва бошқа муваффақиятларни бир-биримизга беришимиз мумкин. Хуллас, Ғарбда нима дейишса дейишаверсин, биз Шарқдаги ҳамма мамлакатлар блан муносабатларни нормаллаштириш ва дўстона муносабатлар ўрнатиш йўлида қадам-бақадам дадил бўлиб бораверамиз ва айни вақтда Ғарб мамлакатлари блан бўлган дўстона муносабатларимиздан бир қадам ҳам чекинмаймиз. Биз Ғарб мамлакатлари блан яхши муносабатларда бўлишни истаймиз, шунинг учун ҳам шу дамгача бўлиб келган нарсаларнинг устига биз крест чизиб қўйишимиз мумкин, шуларни йўқ қилиб ташлашимиз мумкин, биз ўз лабзимиздан қайтишимиз ва уларнинг бизга кўрсатган ёрдамларини унутиб қўйишимиз мумкин ва бизга уларга терс қарайдиган бўлиб қолишимиз мумкин, деб Ғарбда бирор кишининг ҳовотир олиши учун ҳечқандай вож ҳам, ҳечқандай сабаб ҳам йўқ. Бундай қилиш байроғимизга ёзиб қўйилган ташқи сиёсат концепцияларимизга ва аввало биз блан тенгҳуқуқлилик асосида тотув бўлиб яшашни ва ҳамкорлик қилишни истаган ҳамма халқлар блан мана шундай тотув бўлиб яшаш ва ҳамкорлик қилиш принципларига мувофиқ келмаган бўлур эди.

Биз, АҚШ, Англия блан ва бошқа ҳамма мамлакатлар блан яхши муносабатларимизни ёмонлаштиришни эмас, балки яхшилашни истаймиз. Албатта, бизнинг ички ишларимизга бирор кимсанинг аралашувига йўл қўяолмаймиз.

Сўнгра Тито давом қилиб бундай деди: Ғарбда ба'зибировлар бизга Совет Иттифоқи блан муносабатларимизнинг нормаллашуви нуқтаи назардангина баҳо бериш блан қифояланмай (бу муносабатларнинг нормаллашуви бизнинг шу лагерьга ўтганимизни кўрсатар эмиш), шу блан бирга, Ғарбнинг турли талабларини, Атлантик пакт блан боғланган бирор ҳарбий битимга қўшилиш ёки Болқон пактини ҳарбий жиҳатдан кучайтириш ва шунинг сингари талабларни рад қилганлигимиз нуқтаи назаридан ҳам баҳо бермоқдалар. Мен шуни айтмоқчиман: Болқон пакти биз ва шерикларимиз хатарда қолган даврда тузилган ташкилотдир. Биз уни фақат ҳарбий мақсадлардагина тузганимиз йўқ. Албатта, бу нарса ҳам назарда тутилган эди, лекин биз уни биз блан бўлган муносабатлари илгари жуда кескинлашиб қолган Болқон мамлакатлари блан бизнинг мамлакатимиз ўртасидаги тинч ҳамкорликни та'минлайдиган ташкилотга айлантириш мақсадида тузган эдик. Хуллас, Болқон пакти Болқон ярим оролида уруш чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун тузилган эди. Албатта, Болқон консультатив ассамблеясини тузиш тўғрисидаги қарорни шу пактнинг ҳарбий элементи муваққат характерда бўлиши учун ва иқтисодий, маданий ҳамда бошқа муносабатларимизни янада ривожлантириш зарурлигини та'кидламоқ учун қабул қилган эдик. Энг муҳими шудир. Агар биз Болқон пактининг ҳарбий жиҳатини кучайтирабошлаганимизда эди, бу блан биз ўзимизнинг принципиал ташқи сиёсатимиздан чекинган бўлур эдик. Биз уруш хавфи йўқотилди, деб айтмоқдамиз, биз, Совет Иттифоқи томонидан бизга уруш хавфи йўқ деб айтмоқдамиз. Мен бунга жуда аминман. Модомики, шундай экан, бу ерда ярос ўқталишнинг нима кераги бор? Бизга бунинг кераги йўқ. Биз бу блан жаҳоннинг бу қисмидаги аҳволни стабиллаштиришни та'минлаш уёқда турсин, ҳатто доимий ҳовотирлик элементини ҳам вужудга келтирган бўлур эдик. Лекин бундан, биз янги лагерьга ўтаётганимиз учун бундай қилишни истамаймиз, деган ма'но келиб чиқмайди. Биз Болқон пактининг давом этишини истаймиз, аммо ҳозир давом қилиб турган бошқа ҳарбий ташкилотлар, я'ни Атлантик пакти ва Варшава пакти тугатилгандан кейингина Болқон пактининг ҳарбий жиҳати керак бўлмай қолади».

Тито ўз нутқининг охирида учқлама ёрдам деган масалага тўхталди. Бу йил, — деди У, — Югославияга учқлама ёрдам берилиши соҳасида Югославия алоҳида даврни, шу ёрдамнинг берилиши тўхтатилаётган даврни бошидан кечирмоқда. «Бу йил, — деди Тито, — фақат Америкагина Югославияга ёрдам беришни ва'да қилди, я'ни АҚШ конгресси ма'куллаган ёрдамни беришни ва'да қилди. Биз Америкадан ҳарбий ёрдам олиб келдик ва ҳали ҳам олмоқдамиз. Аммо, кейинги вақтларда бу масалада келишмовчилик туғилди. Бу тўғрида Америка матбуоти жуда кўп ёзмоқда. Бизга берилган қурол-яроғлардан фойдаланиш илгари қандай контрольлик остига олинган бўлса бу контрольликнинг бундан буён ҳам давом этишини истамаганлигимизни бизга айб қилиб қўймоқдалар. Ҳа, биз қурол-яроғ олганмиз ва шу қурол-яроғлардан қандай фойдаланаётганлигимизни, уни бошқа бирор кимсага сотиш — сотмаслигимизни, бериш — бермаслигимизни уларнинг контроль қилишга ҳақлари бор, деган шартни қабул қилганмиз.

Шу шартларнинг ҳаммасини биз шу вақтгача бажариб келдик, аммо улар ҳамма нарсани контроль қилишни истамоқдалар. Броқ, биз уларнинг қурол-яроғлари блан эмас, балки ўзимизнинг қурол-яроғларимиз блан қуролланган аскарий қисмлар устидан уларнинг контрольлик қилишларига йўл қўйишимиз мумкин эмас. Биз бунга асло йўл қўймаймиз, аммо улар бундан буён бизга қурол-яроғ берадиларми, ёки бермайдиларми, бу нарса уларнинг иши, агар ҳоҳласалар, бизга қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиб қўйишлари мумкин. Бу нарса бизга боғлиқ эмас. Лекин биз илгари давом қилиб келган шартлар блангина бундан буён қурол-яроғ олишимиз мумкин, аммо ҳарчи уларнинг қандайдир янги қонунига асосланган шартлар бўлса ҳам, барибир биз ҳечқандай янги шарт блан қурол-яроғ олмаймиз. Биз бу янги шартларга розн бўлаолмаймиз, чунки биз уларнинг қонунларига эмас, балки ўзимизнинг қонунларимизга амал қиламиз.

Шу блан бирга шуни уқтириб ўтмоқчиманки, биз ёрдам оламизми, ёки олмаймизми, (аммо бизга иқтисоий ёрдам керак, агар биз бундай ёрдамни олсак, миннатдор бўлур эдик). Бу ёрдамнинг бизга мақбул бўлмайдиган шартлар блан берилишини истамаймиз. Биз иқтисоий ёки ҳарбий ёрдам оламизми, ёки олмаймизми, кейинги йиллар мобайнида Америка халқи блан, умуман Ғарб мамлакатлари блан давом қилиб келган муносабатларимиз ўзгармайди. Улар энди бизга ёрдам бермас эканлар, деб фақат шу сабаб блангина ҳозир биз уларга терс бўлиб қололмаймиз. Ёрдам бериш — бермаслик уларнинг иши. Агар улар, уруш бўлмайди ва бизга бу тақдирда қурол керак эмас деб айтаётганлигимиз учун бизга қурол-яроғ бериш керак эмас, деб ҳисоблаётган бўлсалар, бундай ҳолда ҳоҳлаганларини қилаберсинлар. Бунинг ўзида ҳам мантиқ элементлари бор. Броқ, халқаро муносабатларда анча солмоқи бўлган Югославия сингари мамлакатнинг кучли мамлакат бўлиш-бўлмаслиги фактининг аҳамияти бор албатта. Лекин улар буни ўзлари ҳал қилсинлар. Мен шу нарсани уқтириб ўтаманки, Ғарб мамлакатларига нисбатан бизнинг сиёсатимиз асло ўзгармайди ва биз Ғарб блан ҳам, Шарқ блан ҳам яхши муносабатда бўлишни истаймиз. Албатта, бу муносабатлар Ғарбга ҳам, Шарққа ҳам боғлиқдир, бу муносабатлар ба'зи мамлакатлар блан яхшиланиб кетиши, ба'зилари блан эса айниқса яқин муносабатларга айланиб кетиши мумкин. Лекин бир нарса равшандирки, биз мамлакатимизни ким блан бўлмасин душманчилик муносабатларига олиб келаоладиган чегарадан ошиб кетишимиз мумкин эмас».

„Туапсе“ танкери экипажи а'золаридан бир группасининг озод қилинганлигига доир

Ма'лумки, Хитой Халқ Республикасига лампа мой (керосин) ортиб бораётган «Туапсе» номли совет танкери 1954 йил 23 июньда АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари контрольлиги остидаги очиқ денгизда Тайвань оролининг жанубида ҳарбий кема томонидан қонунга хилоф равишда ушлаб олинган ва қурол ўқталган ҳолда Тайваньдаги Гаосюн портига олиб кетилган эди. «Туапсе» танкери экипажининг а'золари Тайвань оролидаги қамоқ лагерига қамаб қўйилган эдилар.

Совет ҳукумати «Туапсе» танкери ушлаб олинган районни АҚШнинг қуролли кучлари контроль қилиб турганлиги сабабли АҚШ ҳукуматига неча қайталаб мурожаат қилиб, танкерни, юкни ва унинг командасини озод қилишни талаб этган эди.

1954 йил сентябрь ойида Совет ҳукумати совет «Туапсе» танкери экипажи а'золарининг тақдири тўғрисида ғамхўрлик ниб турибдилар. (ТАСС).

ҲИНДИСТОН ВРАЧЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган Ҳиндистон врачлари делегацияси Ўзбекистонда бирнеча кун меҳмон бўлди. Делегацияга Бомбейдаги рак касалликлари илмий текшириш институтининг директори, профессор В. Р. Каноллкар бошчилик қилади. Делегация составида Ҳиндистоннинг турли шаҳарларидаги медицина ўқув юртларининг профессорлари бор эди.

Ҳиндистонли врачлар Ўзбекистон пойтахтида турган вақтларида шаҳарнинг ҳаётн блан, меҳнаткашларнинг саломатлигини сақлаш ишларининг ташкил этилиши блан, медицина муассасаларининг ишлари блан танишдилар. Улар Молотов номидаги Тошкент медицина институтида, Санитария ва гигиена республика илмий-текшириш институтида, Ортопедия ва травматология илмий-текшириш институтида, 3-нчи туғруқхонада, болалар суяк сил касаллиги санаториясида бўлдилар. Меҳмонларни Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Р. С. Соатов қабул қилди, улар Республиканинг машҳур врачлари блан суҳбатлашдилар. Делегация а'золари Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхозга бордилар.

Тошкентдан жўнаб кетиш олдида Ҳиндистон врачлари делегациясининг бошлиғи В. Р. Каноллкар ЎзТАГ мухбири блан суҳбатда бундай деди:

— Дун'ёда энг яхши деб ҳисоблаш мумкин бўлган Совет медицинаси блан танишишимиз делегациямизнинг а'золарига жуда катта фойда берди. Биз совет ҳамкасбларимизга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қиламиз, чунки улар ўзларининг бой тажрибаларини ўрганишимиз учун энг яхши шароит яратиб бердилар. Бизнинг визитимиз Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш ишига шубҳасиз хизмат қилади. Биз совет соғлиқни сақлаш вакилларининг Ҳиндистонга боришини ва уларни медицина соҳасида эришган ютуқларимиз блан таништиришни жуда истаймиз.

30 июльда Ҳиндистон врачлари делегацияси самолёт блан Тошкентдан Москвага учиб кетди. Аэродромда делегацияни Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг мас'ул ходимлари, республика пойтахти медицина жамоатчилигининг ва четэллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамиятининг вакиллари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

Қирғизистон ССР Давлат хор коллективининг концертлари

Қирғизистон ССР Давлат хори Ўзбекистонга гастрольга келди. Хор коллективининг Горький номли паркда кўрсатган биринчи концерти муваффақиятли ўтди. Пойтахт тамошабинлари Ўрта Осиёдаги энг йирик ва кекса хор коллективларидан бири бўлган Қирғизистон ССР Давлат хори сан'аткорларининг маҳоратига юксак баҳо берди.

Бу хор коллективи Қирғизистоннинг бадиий ҳаваскорлик хор ва музика коллективлари қатнашчилари — асосан талантли ёшлардан 1938 йилда ташкил этилган эди. Дастлаб хор репертуари кичик бўлиб, фортепиано жўрлигида ижро этиладиган бировозли содда асарлардан иборат эди. Секин-аста хор кўповозлиликка ўтди ва 1944 йилдан бошлаб, унда 2—3 овозли ашулалар айтилабошланди. 1953 йилда қирғиз хори биографиясида бурилиш юз берди. Шу вақтдан бошлаб хор ҳамма асарларни музика асбобларининг жўрисиз, я'ни канелла тарзида айтишга ўтди. Бунда Қирғиз Давлат хорининг бош дирижёри Р. Хубловнинг хизматлари катта.

Ҳозир хор коллективи составида 40 киши бор. Унинг репертуаридаги юздан ортиқ асар миллийлиги ва рангбаранглиги блан ажралиб туради, шулардан 18 таси рус ва 20 дан ортиги қирғиз халқ қўшиқлари, шунингдек ўзбек, туркман, тожик, украин ашулаларидир. Хор программасида рус ва Ғарбий Европа классиклари асарларига, халқ демократияси мамлакатларининг қўшиқларига кенг ўрин берилган. Қирғиз артистлари хор асарларини айтиш блан бир қаторда якка ашула, чолғу асбобларини чалиш, дуэт ва квартет каби турли номерларни ҳам ижро этадилар.

Қирғиз хорининг коллективи Тошкент тамошабинларига қизиқарли программада концерт берди. Қирғиз композитори Назаровнинг «Яша Қирғизистон» ашуласи хор томонидан кўтаринки руҳда моҳирлик блан ижро этилди. Шунингдек, хор коллективи халқларнинг бутун дун'ёда тинчлик учун олиб бораётган курашларини акс этдиручи «Оқ каптар» қўшиғини ижро этди. Бу қўшиқнинг автори ёш композитор — хорнинг дирижёри Ч. Жумақоновдир. Қирғиз композиторлари ва халқ куйларидан «Қантинг бор» ҳазил қўшиғини, «Мен қаро кўз» ашуласини ва бошқаларни ижро этган хор коллективи катта ижодий муваффақиятга эришганлигини намойиш қилди. Шунингдек, композитор Темировнинг «Беш иғғай» қўшиғи ҳам тингловчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

Концерт программасида рус халқ қўшиқларининг кенг ўрин олганлиги қувончлидир. Ҳақиқатан ҳам миллий хор коллективи улуғ рус халқининг бой қўшиқ сан'атига мурожаат қилиб яхши иш қилган. Бу қўшиқларнинг моҳирона ижро этилиши Қирғизистон сан'аткорларининг ижодий ютуқларга эришаётганлигидан далолат беради. Хор коллективи ижро этган «Варяг»нинг ҳалокати» ва «Кимсасиз узоқ тайгада» деган халқ қўшиқлари, «Амур тўлқинлари» деган қадимий рус вальси ва «Комар» деган ҳазил қўшиғи тамошабинларга айниқса манзур бўлди. Хор ижро этган бу қўшиқларни ўзбек дирижёрларидан С. Василенко ва М. Семёнов қайта ишлаганлар. «Кимсасиз узоқ тайгада», «Комар» қўшиқларининг муваффақиятли чиқишида хор солисти Мирзабоевнинг маҳорати катта аҳамиятга эга. Унинг ёқимли ва ширали овози тамошабинга манзур бўлади. Глинканинг машҳур «Иван Сусанин» операсидаги «Шуҳрат топ» («Славься») деган хор улуғвор янгради. Программадаги Глинканинг «Венеция кечаси» асари ҳам жуда яхши ижро этилди. Шунингдек, Чайковскийнинг «Олтин булут тунади» деган хори ҳам муваффақиятли чиқди.

Қирғизистон ССР Давлат хор коллективининг концерт программасида «Қора кўзлар», «Бандура» каби украин халқ қўшиқлари ҳам бор. Ўзбек халқ куйларидан «Ёрларим», уйғурча «Сайра», Ҳамидийнинг «Қозоқ вальси», Тихон Хренниковнинг «Қўшиқ ҳақида қўшиқ» каби асарлари моҳирлик блан айтилди. XV аср композитори Орландо Лассонинг «Эхо» деган асари концерт программасининг энг яхши номерларидан биридир.

«Ёшлар», «Буёққа қараниг» қўшиқларини усталик блан, ёқимли ва та'сирли ижро этган солист О. Асанов катта ижодий муваффақиятга эришган. Бу халқ лапларининг қирғиз миллий чолғу асбоби — қўбизда жўр қилиниши уларнинг янада ёқимли чиқишини та'минлаган. Солист Мирзабоев ижро этган номерлар орасида Бородиннинг «Князь Игорь» операсидан Игорьнинг арияси, Ричкуновнинг «Испан серенадаси» тамошабинларда катта таассурот қолдирди. Эркаклар вокал квартети ижро этган «Содиқ дўстлар» кинофильмидан «Қайиқча» деган қўшиқ, «Дунюшка Дуня» деган рус халқ ҳазил қўшиғи ва «Ольховка қишлоғида» ашуласини тингловчилар самимий кутиб олдилар.

Қирғизистон Давлат хор коллективининг концертлари Тошкент тамошабинларининг қизғин олқишларига сазовор бўлмоқда. Хор коллективининг рангба-ранг репертуари, ижрочилик маҳоратининг юксаклиги кундан-кунга гуллаб-яшнаётган қардош қирғиз халқи сан'атининг ижодий ютуқларини намойиш қилади.

Абдулхай УМАРОВ.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ **Н. С. Казаковни** СССР Оғир машинасозлик министри вазифасидан озод қилди.

Президиум СССР Оғир машинасозлик министри қилиб ўртоқ Константин Дмитриевич **Петуховни** тайинлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — отпускага чиқиш олдидан сўнгги спектакльлар — ёзги бинода: 31/VII да **Алишер Навоий**, қишки бинода: 31/VII да кундуз ва кечқурун **Юрак сирлари.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/VII да кундуз **Етти гўзал**, кечқурун сўнгги спектакль **Гулсара.** СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова** қатнашади, 1/VIII да опера солисти **Н. К. Печковскийнинг хайрлашув концерти.** Программада: опералардан ариялар ва романслар.

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача), қишки НАВОИЙ номли (кундуз соат 12 дан кеч 10 гача), қишки «ИСКРА» (кеч соат 9 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 дан), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — янги бадиий фильм **Улар тоғдан тушиб келдилар.**

«ИСКРА» (қишки) — кеч соат 9 дан **Чавандоз қиз.**

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Сицилия осмони тагида.**

НАВОИЙ номли (қишки) — эрталаб соат 10 ва кеч 10 да **Юлдуз.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз соат 2 гача ҳужжатли фильм **Ҳиндистон Республикасининг Бош Министри Жаво-ҳарлал Неру Совет мамлакатида.**

«ВАТАН», «ХИВА».— **Чавандоз қиз.**

Ёзги «ИСКРА», ёзги НАВОИЙ номли, «УДАРНИК», КИРОВ номли — **Улар тоғдан тушиб келдилар.**

Дарслик китобларни сотиб олингиз

ОТА-ОНАЛАР ВА ЎҚУЧИЛАР!
1955/56 ўқув йилига
ДАРСЛИК КИТОБЛАРНИ
кечикмасдан
СОТИБ ОЛИНГИЗ.
Дарсликлар ҳамма мактаб киоскаларида 1 августдан сотилабошлайди.
«Ташоблкниготорг».

«Узпромсовет»нинг
ТОШКЕНТ ПРОФТЕХНИКА МАКТАБИ
камида 7 синф ҳажмида ма'лумотли, 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган йигит ва қизлардан
ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Профтехника мактабида: 1) **хотин-қиз устки кийими мастерлари, 2) эркак устки кийими мастерлари, 3 дурадгорлик-мебельчилик иши мастерлари тайёрлайдиган бўлимлар бор.** Ўқиш муддати 3 йил.
Мактабга кирувчилар: рус тилидан (ёзма ва оғзаки), математикадан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон берадилар.
Ўқувчилар ётоқ блан та'минланмайди.
Адрес: Тошкент шаҳар, Октябрь район, Қорасой кўчаси, 226-нчи уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалиги бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142

Р. 06739. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1474.